

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ОЛТИЕВ АЗИМ ТҮЙҚУЛОВИЧ

**ЁҒЛАРНИ ПЕРЕЭТЕРИФИКАЦИЯЛАШ ХОМАШЁЛАРИНИНГ ЗАҲИРАСИНИ
КЕНГАЙТИРИШ**

**02.00.17 – Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Олтиев Азим Тўйкулович

Ёғларни переэтерификациялаш хомашёларининг
заҳирасини кенгайтириш.....3

Олтиев Азим Туйкулович

Расширение сырьевой базы технологии переэтерифицированных
жиров.....19

Oltiev Azim Tuykulovich

Expansion of the raw material base of interesterified fats.....35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....38

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ОЛТИЕВ АЗИМ ТЎЙҚУЛОВИЧ

**ЁҒЛАРНИ ПЕРЕЭТЕРИФИКАЦИЯЛАШ ХОМАШЁЛАРИНИНГ ЗАҲИРАСИНИ
КЕНГАЙТИРИШ**

**02.00.17 – Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ва
қайта ишлаш технологияси ва биотехнологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияда В2017.2.PhD/Т260 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.tkti.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида www.ziyonet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мажидов Кахрамон Халимович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдурахимов Саидакбар Абдурахманович
техника фанлари доктори, профессор

Аҳмедов Азимжон Нормўминович
техника фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

«Ўзпахтаёғ» АЖ.

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSC.27.06.2017.т.04.01 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «___» _____ соат___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 32. Тел.: (99871) 244-79-21; факс: (99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил (100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч.32. Тел.: (99871) 244-79-21).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги №___ рақамли реестр баённомаси).

С.М.Туробжонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси т.ф.д., профессор

А.С. Ибодуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби т.ф.д., профессор

К.О. Додаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган ўн йилларга нисбатан бир неча баробар ортган, яъни маргарин маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши 9453 минг тоннагача ўсди, бунда етакчи ўринни Покистон (990 000 т.), Россия (933 000 т.), Ҳиндистон (888 000 т.), Бразилия (847 000 т.), Туркия (650 000 т.) эгаллаган¹. Ўсимлик мойи асосида олинадиган маҳсулотларни олиш технологиялари такомиллаштирилмоқда. Шу сабабли, кўпгина илмий ишлар янги турдаги қайта ишланган ёғ-мой маҳсулотлари хомашёси ва таркибини яратишга, уларнинг сифатини ошириб ишлаб чиқариш жараёнларида қўллаш технологияларини жорий этишга йўналтирилган.

Жаҳонда мойларни фракциялаб, переэтерификациялаб олинган ёғларнинг хомашё захирасини кенгайтириш ва сифатини ошириш, янги ҳамда юқори самарали усуллардан фойдаланиб уларни ишлаб чиқариш технологиясини модернизациялаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ёғ-мой маҳсулотлари таркибида инсон организми учун хавfli моддалар миқдорини нисбатан камайтириб ишлаб чиқариш технологиясини яратиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Маргарин маҳсулотлари хоссаларини яхшилаш, технологик жараёнларини оптималлаш, омухталанган (переэтерификацияланган) ёғларни таркибида транс-изомерланган ёғ кислота миқдорини камайтирилган ҳолда ишлаб чиқариш таркиби ва технологиясини яратиш бўйича устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари ривожлантирилмоқда.

Республикамизда кунгабоқар, соя, масхар ва ноанъанавий мойли ўсимликларнинг бошқа турларини етиштиришга эътибор қаратилиб, озиқ-овқат саноати ёғ-мой корхоналарига замонавий ускуна ва жиҳозларни олиб келиб ўрнатиш, ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш жараёнларидаги йўқотишларни камайтириш, маҳаллийлаштириш дастури доирасида импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича муайян ютуқларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, амалиётда кам ашё сарфли энергия тежамкор усулларни қўллаш, озиқ-овқат маҳсулотларини озиқавий хавфсизлигини таъминлаш, импорт ўрнини алмаштирувчи рақобатбардош ва экспортбop маҳсулотларни тайёрлаш»² вазифалари белгилаб берилган. Бу йўналишда ёғларни переэтерификациялашда маҳаллий хомашёлардан фойдаланиб арзон, сифатли ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги 251 - сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини 2015-2020 йилларда сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича концепция ва чора-тадбирлар мажмуасини тасдиқлаш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 апрелдаги ПҚ-492 - сон «Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада

¹<http://www.oilworld.ru/analytics/localmarket/258409>

² http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107036

такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947- сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги қарори ва фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўсимлик мойлари ва ёғларни ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлаш, хусусан ёғларни фракциялаш, переэтерификациялаш технологияларини мукамаллаштириш бўйича А.Г.Сергеев, Н.Л.Меламуд, Р.Л.Перкель, Б.Н.Тютюнников, А.А.Шмидт, Н.С.Арутюнян, А.И.Глушенкова, Ю.К.Кадиров, С.А.Абдурахимов, Т.Т.Мирхаликов, Г.У.Тиллаева, К.Х.Мажидов, И.Б.Исабаев ва бошқа олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Ўсимлик мойларини фракциялаш ва ёғларни переэтерификациялаш технологияларини мукамаллаштириш бўйича бажарилган илмий-тадқиқот ишларида асосан переэтерификациялаш катализаторлари турлари, ёғ-кислота таркиби, жараёнда иштирок этаётган ёғ ва мойлар турлари ҳамда уларнинг хоссалари, омухталанаётган ёғ ва мойларга ферментлар таъсири ўрганилган.

Шу билан бирга переэтерификацияланган ёғлар ишлаб чиқаришда хомашё турларини кенгайтириш, омухталанган ёғлар таркибида транс-изомерланган ёғ кислоталар миқдорини камайтириш ва ёғ кислота таркибини ҳам бойитиш, переэтерификацияланган ёғларни озикавий хавфсиз маргарин маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўналишида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ЁА9-5 «Юқори сифат ва озиқ-овқат хавфсизлиги кўрсаткичига эга переэтерификацияланган ёғларни ишлаб чиқариш йўналишида ишланмалар» (2014-2015), А-9-8 «Юқори сифатли ва озикавий хавфсиз истеъмол ёғлари ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришда янгича ишланмалар» (2015-2017) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади соя ва пахта мойларидан самарали фойдаланиб переэтерификацияланган ёғлар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ва хомашё базасини кенгайтиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пахта ва соя мойи аралашмаларидан иборат тизимни фракциялаб салат мойи ва пальмитин олиш учун фракцияланилаётган купаждаги пахта ва соя мойларининг оптимал нисбатларини аниқлаш;

пахта ва соя мойи аралашмаларидан олинган салат мойи ҳамда пальмитиннинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш;

технологик хусусиятлари яхшиланган ва озуқавийлик қиймати юқори бўлган переэтерификацияланган ёғлар ишлаб чиқаришда пахта-соя пальмитинидан ёғли асослар компонентини яратиш;

мувозанатлаштирилган ёғ-кислота таркибли ва оптимал кўрсаткичли переэтерификацияланган ёғлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва хомашё базасини кенгайтириш.

Тадқиқотнинг объекти пахта мойи ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари, соя мойи, пахта-соя пальмитин хомашёлари.

Тадқиқотнинг предмети мойларни фракциялаш, ёғларни переэтерификациялаш технологиясини мукамаллаштириш, улар асосидаги маҳсулотларнинг энергетик ва озуқавий қийматини баҳолаш, маҳсулотларнинг озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ёғ-мойларни физик-кимёвий таҳлилнинг замонавий усуллари селектив экстракция, ИҚ-, ГЖХ, ТСХ, энзиматик гидролиз асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пахта ва соя мойи аралашмаларини фракциялаб салат мойи ва пальмитин олиш учун фракцияланилаётган купаждаги дезодорацияланган пахта мойи, дезодорацияланган соя мойи, рафинацияланмаган соя мойи купажининг 50:44:6 нисбатини қўллаш исботланган;

фракциялаш жараёнини тезлаштириш билан бирга олинадиган фракциялаш маҳсулотларининг, хусусан салат ва пахта-соя пальмитинининг ёғ кислоталари нисбатини талабга мувофиқ мутаносиблаштириш мақсадида рафинацияланмаган соя мойини қўллаш асосланган ;

фракциялаш жараёнида олинган пахта-соя пальмитини ва пахта-соя салат мойини переэтерификацияланган ёғлар ишлаб чиқаришда ёғли асос таркиби сифатида фойдаланиш аниқланган;

переэтерификацияланган ёғлар ишлаб чиқариш технологиясида пахта-соя пальмитини ва пахта-салат мойларини қўллаш натижасида ω -6: ω -3 ёғ кислоталари зарурий мутаносиблигини таъминлаш исботланган;

маҳаллий хомашёлар асосида переэтерификацияланган ёғлар олиш технологияси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

пахта ва соя мойларини фракциялаб олинган пахта-соя пальмитинидан переэтерификацияланган ёғлар ишлаб чиқариш технологияси яратилган;

пахта-соя мойларини фракциялашда рафинацияланмаган соя мойини қўллаш мазкур жараённи 1,5-1,6 марта жадаллаштириши кўрсатиб берилган;

ишлаб чиқарилаётган переэтерификацияланган ёғлар олишда озуқавийлик миқдори юқори бўлган пахта-соя пальмитини ва пахта-соя салат мойларини қўллаш кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишида фракцияланган, переэтерификацияланган маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари ва физик-кимёвий тадқиқотнинг замонавий усулларида

фойдаланилганлиги, лаборатория ва тажрибавий-ишлаб чиқариш шароитларида олинган маълумотларни ишончли оралиғининг чегаравий қиймати назарий натижаларга мослиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий моҳияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фракцияланган маҳсулотнинг ёғли асосларини шакллантириш ва переэтерификацияланган ёғларни ишлаб чиқаришга кимёвий-технологик талабларни асослаш маълум учглицерид таркибли мойларни аралаштириш ва уларни фракциялаш, переэтерификациялаш йўли билан олинган ёғ асосларнинг компонент таркибини ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган қонуниятлари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пахта-соя мойларини фракциялаш жараёнини жадаллаштириш орқали жараёни 1,5-1,6 мартага тезлаштиришга, олинган пахта-соя пальмитини таркибидаги ω -6: ω -3 ёғ кислоталари нисбати мутаносиблаштирилган ва переэтерификацияланган ёғлар олишда қўллаш натижасида озуқавий миқдори юқори бўлган маҳсулот олишга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Переэтерификацияланган ёғлар ишлаб чиқариш учун хомашё турларини кенгайтириш бўйича олинган натижаларни амалиётга жорий қилиш асосида:

пахта ва соя мойларини фракциялаш жараёнини жадаллаштириш технологиясига «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖ корхонасида технологик йўриқнома ишлаб чиқилган (TSh 86-13/2009, ТИ.27.04.2012 й). Натижада фракциялаш жараёнини жадаллаштириш имконини берган;

переэтерификацияланган ёғлар ишлаб чиқариш технологияси «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖ корхонасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК нинг 2017 йил 18 октябрдаги ГП/2-2313-сон маълумотномаси). Натижада ω -6 ва ω -3 ёғ кислоталари билан бойитилган пахта-соя пальмитинидан сифатли переэтерификацияланган ёғ олиш имконини берган;

пахта мойини фракциялаш жараёнини жадаллаштириш ва олинадиган пальмитин асосида маргарин ишлаб чиқариш технологияси «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖ корхонасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК нинг 2017 йил 18 октябрдаги ГП/2-2313-сон маълумотномаси). Натижада маълум учглицерид таркибли ёғларни аралаштириш, переэтерификациялаш натижасида олинган ёғли асослар ёрдамида маргарин маҳсулотларини ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та халқаро анжуманларда, шунингдек 2 та Республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий ишлар нашр этилган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та

мақола жумладан, 2 таси республика ва 4 таси халқаро журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ифодаланган, тадқиқот предмети ва объектлари тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиқ берилган, мавзу анжуманлар ҳамда ишлаб чиқариш шароитларида тадқиқот натижаларининг апробацияси, диссертация структураси ва нашр этилган ишлар ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Хомашё ишлаб чиқариш ва ёғ-мойларни перезтерификациялаш технологиясининг ҳозирги кундаги ҳолати»** деб номланган биринчи бобида танланган диссертация мавзуси йўналиши бўйича адабиётлар шарҳи ёритилган, хусусан ёғ ва мойларни модификациялаш усуллари, модификация технологиясида катализаторларнинг роли ва аҳамияти, ёғ ва мойларни модификациялаш маҳсулотлари, уларнинг озучавий қиймати ва хавфсизлигини таъминловчи омиллар, мойларнинг демарганизациялаш усуллари кўрсатиб ўтилган. Олиб борилган таҳлил натижаларида диссертациянинг мақсад ва вазифалари аниқланган.


Диссертациянинг **«Хомашё ва материаллар таснифи, тажриба қурилмалари, тадқиқот ва таҳлилнинг замонавий усуллари баҳолаш»** деб номланган иккинчи бобида хомашё ва материаллар таснифи, тажриба қурилмалари, тадқиқот ва таҳлилнинг замонавий усуллари баҳолаш бошланғич хомашё тўғрисида маълумотлар, ўсимлик мойлари ва уларнинг аралашмаларини паст ҳароратда фракциялаш қурилмалари таснифи, тажриба-саноат қурилмаси тавсифи, бошланғич хомашё ва каталитик модификация маҳсулотлари таҳлилин баҳолаш усуллари, тажриба тадқиқотларининг натижаларини математик қайта ишлаш усуллари баён қилинган. Хусусан, ёғларни модификациялаш учун бошланғич хомашё сифатида дезодорацияланган пахта мойи, рафинацияланган соя мойи, рафинацияланмаган соя мойи ва уни қайта ишлаш маҳсулотларидан фойдаланилган. Ўсимлик мойи ва ёғларни фракциялаш ва перезтерификациялаш бўйича тадқиқотлар лаборатория қурилмаларида ўтказилди. Ўсимлик мойларини паст ҳароратли фракциялаш махсус қурилмада амалга оширилди. Ёғ ва мойларни перезтерификациялаш учун махсус перезтерификациялаш қурилмасида амалга оширилди.

Лаборатория маълумотлари синови, шунингдек баъзи тадқиқотлар «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖ да ўрнатилган тажриба қурилмасида амалга оширилди.

Тадқиқотларда ёғларнинг переэтерификацияси учун кукунсимон натрий метилат катализатори ишлатилди. Диссертация ишини бажаришда физик-кимёвий таҳлилнинг замонавий усуллари ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Переэтерификацияланган ёғларнинг хомашё захирасини, ишлаб чиқариш технологияси ва улардан маргарин маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун фойдаланиш**» деб номланган учинчи бобида ёғ ва мойларнинг хомашё захирасини кенгайтиришнинг технологик усуллари баён этилган.


Переэтерификацияланган ёғларни ишлаб чиқариш учун асосан табиий ўсимлик мойлари ва ҳайвон ёғларидан, шунингдек ўсимлик мойларини каталитик гидрогенлаш йўли билан олинадиган қаттиқ ёғлар ишлатилади. Бу усулларда олинадиган хомашё миқдори кундан-кунга кўпайиб бораётган инсон эҳтиёжи учун етарли бўлмайди. Ундан ташқари, мой ва ёғларни модификациялаш, хусусан каталитик гидрогенизация усуллари билан переэтерификациялаш учун хомашё олиниши, хомашё ва материал сарфи, энергетик ва иссиқлик сарфлари билан боғлиқ бўлган қўшимча технологик жараёнлардан фойдаланишни тақозо қилади. Кўрсатиб ўтилган муаммолар олдимизга модификациянинг мавжуд усуллари билан, шунингдек кенг тарқалган маҳаллий ўсимлик мойлари ва ёғлардан фойдаланиб переэтерификация учун хомашё ишлаб чиқариш масаласини қўяди. Шунинг эътиборга олиб биз дастлаб рафинацияланган пахта мойи ва рафинацияланмаган соя мойи купажини фракциялаш жараёни тадқиқ қилишни мақсад қилдик (1-расм).



1-расм. 7°C ҳароратда купажда рафинацияланмаган мой миқдорининг қовушқоқликка таъсири

Бунда рафинацияланмаган соя мойи танланиши, унда стеаролеолецетинга ҳисобланганда 6,0 % гача юқори миқдорда фосфолипидлар сақланиши билан белгиланади. Бундан келиб чиқиб, фракцияланадиган аралашмада рафинацияланмаган соя мойи улуши 4-10 % ни ташкил қилди. Кўриниб турганидек, фракцияланадиган аралашмада рафинацияланмаган соя мойи улушининг 4 % дан 10 % гача оширилганида унинг кристалланиш ҳароратида (7°C) жараён қовушқоқлиги $84,6 \cdot 10^3$ дан $43,2 \cdot 10^3$ Па·с гача пасаяди.


Кўрсатилган купажда рафинацияланмаган соя мойи улушини 10 % гача етказилиши салат мойи суюқ фракциясининг бир хил чиқишида кристалланиш вақтини 64 соатдан (назорат) 42 соатгача қисқаришига сабаб бўлишини кўришимиз мумкин (2-расм).



2-расм. Рафинацияланмаган соя мойи миқдорининг кристалланиш жараёнига таъсири

Маълумки пахта мойи таркибида инсон организми учун жуда зарур бўлган ω -3 гурухига мансуб ёғ кислоталари йўқ. Шу билан бирга ω -6 гурухи ёғ кислоталарининг ω -3 гурухи ёғ кислоталарига бўлган нисбати 5:1 дан 10:1 гача бўлиши кераклиги аниқланган.

Кўрсатилган (3-расм) диаграммадан кўриниб турибдики тизимдаги рафинацияланмаган соя мойи таркибидаги фосфолипидларнинг асосий миқдори ажратиб олинган пахта пальмитини таркибига қиради, яъни пахта пальмитини фосфолипидлар билан бойитилган бўлади.



- салат мойи таркибидаги фосфолипидлар миқдори;
- пальмитин таркибидаги фосфолипидлар миқдори.

3-расм. Купаждаги пахта мойининг рафинацияланмаган соя мойи ҳисобидан фосфолипидлар миқдорининг ўзгариши

Шу сабабли ушбу гуруҳ ёғ кислоталарининг мутаносиблигини олинадиган салат мойида талаб даражасига келтириш учун рафинацияланган, дезодорацияланган пахта мойи ва рафинацияланган, дезодорацияланган соя мойининг 90:10 дан 30:70 гача бўлган нисбатдаги купаждларини фракциялаш тадқиқотлари амалга оширилди.

Тажрибаларда фойдаланилган рафинацияланган соя мойи таркибида 48,7 % линол кислотаси, 11,4 % линолен кислотаси бор эканлиги аниқланди.

Бу эса ω -6 гуруҳи ёғ кислоталарининг ω -3 гуруҳидаги ёғ кислоталарига нисбати тажрибаларда қўлланилган соя мойи учун 4,3 га тенг эканлигини билдиради, яъни ω -6: ω -3+4,3. Фракциялаш жараёнининг тугаганлиги ҳақида ажратиб олинган суюқ, яъни салат мойи фракциясининг 0⁰С ҳароратда 6 соатгача сақланганида хиралашмаслигига қараб хулоса қилинди. Шу билан бирга салат мойининг сифат кўрсаткичлари тизимга 6 % гача рафинацияланмаган соя мойи қўшилгунча талаб даражасида эканлиги кўрсатилган (1-жадвал).

1-жадвал

Купаждан фракциялаб олинган суюқ фракциянинг сифат кўрсаткичлари

Кўрсаткичи	Назорат	Соя мойи сақлаган купаж намуналари улуши (%)			
		4,0	6,0	8,0	10,0
Йод сони, % J ₂	117	122	124	117	114
0 ⁰ С да шаффофликнинг сақланиш давомийлиги, соат-мин	7..0	8..25	8..50	8..50	6..50
Кислота сони, мг КОН/г	0,2	0,2	0,2	0,25	0,3
Ранглилик сони, мг йод	10	10	10	12	13

Изланишлар шуни кўрсатадики тадқиқ қилинаётган намуна суюқ фазасининг йод сони бир қанча юқори бўлиб, 0⁰С да хиралашиб бошланиш вақти эса назоратдаги намунадан юқори.

2-жадвал

Ўсимлик мойлари аралашмаларини жадал фракциялашнинг технологик шароитлари

Ишлов бериш усули	Ҳарорат, °С	Босим, мПа	Массавий улуши, % кўпи билан		
			Намлик ва учув. модда	Фосфо-липидлар	Ранглилик, ранг.бирл 35 сар. кўпи билан
Мойлар аралашмаси узатилиши	60-70	0,2	0,2	2,0	10
Мойлар аралашмасини совитиш	10-12	0,2	0,2	2,0	10
Мойлар аралашмаси кристаллизацияси	6-7	0,2	0,2	2,0	10
Фильтрация	6-7	0,2	0,2	2,0	10
-салат мойи	6-7	0,2	0,1	1,5	7-8
-пальмитин	6-7	0,2	0,3	3,0	-

2-жадвалда пахта ва соя мойлари аралашмасидан салат мойи ва пальмитинни фракциялаш учун мойлар аралашмаси ҳароратини тез-тез ва кескин ўзгартиришга тўғри келади, бу эса уни ажратиб олиш учун маълум вақтни талаб қилади. Ўтказилган илмий-тадқиқот ишлари натижалари бўйича аниқландики, пахта ва соя мойлари аралашмасини паст ҳароратда фракциялашда соя мойини киритилиши сабабли линол ва линолен кислоталарига бўй салат мойи чиқиши ошади. Таҷриба тадқиқотлари натижасида переэтерификациялаш учун қуйидаги янги хомашёлар танлаб олинди (3 ва 4-жадвал).

3-жадвал

Переэтерификациялаш учун олинган янги турдаги хомашёларнинг физик-кимёвий хоссалари ва сифат кўрсаткичлари

№	Ёғли маҳсулотлар номланиши	Кўрсаткичлари								
		Кислота сони, мг КОН/г	Ҳарорат, °С		Йод сони, % J ₂	Ёғ кислота таркиби, %				
			Эриш	Қотиш		16:0	18:0	18:1	18:2	Бошқа
1	Рафинацияланган пахта мойи ва рафинацияланмаган соя мойларидан тайёрланган купаждан олинган салат мойи	0,3	2	-8	118	19,1	1,6	20,3	58,5	0,5
2	Рафинацияланган пахта мойи, рафинацияланган ва рафинацияланмаган соя мойи купаждан олинган салат мойи	0,3	-	-10	120	16,0	1,7	20,0	55,0	0,1
3	Рафинацияланган пахта мойи ва рафинацияланмаган соя мойи купаждан олинган пальмитин	0,5	22	+7	94	27,3	2,6	19,1	50,5	0,5
4	Рафинацияланган пахта мойи, рафинацияланган ва рафинацияланмаган соя мойидан олинган пальмитин	0,5	20	+7	98	27,1	2,6	19,3	47,1	0,1

4-жадвал

Рафинацияланган озиқабоп саломас намунасининг физик-кимёвий хоссалари ва сифат кўрсаткичлари

Намуна, №	Сифат кўрсаткичлари				Ёғ кислоталари таркиби			Транс-изомерланган ёғ кислота микдори, %
	Йод сони, % J ₂	Кислота сони, мг КОН/г	T _{эр} , °С	T _к , г/см	C _{16:0} + C _{18:0}	C _{18:1}	C _{18:2}	
1	79,7	0,16	32,5	220	23,8	53,8	19,3	3,1
2	72,8	0,22	33,6	450	25,0	50,9	19,4	4,7

Переэтерификациялаш жараёнини тезлаштириш учун, яъни паст ҳароратда учлицидлар таркибидаги ёғ кислоталари радикаллари реакция

алмашинувини таъминлаш мақсадида переэтерификациялаш жараёнида катализаторлардан фойдаланилади. Кўпчилик ҳолатларда бу мақсад учун талабларга жавоб берувчи алкоголят натрийлардан фойдаланилади, биз бу мақсад учун метилат натрийдан фойдаландик.

Суюқ ўсимлик ёғларининг моделлаштирилган намуналарининг, эриш ҳарорати 31-34°C паст эрувчан гидрогенланган ёғлар яъни озикабоп саломаслар, юқори эрувчан саломаслар, мойларнинг пальмитин фракцияси учглицеридларида молекула ва молекулалараро ёғ кислоталар тақсимланиш динамикасини ўргандик, бунда C₁₆-C₂₀ тўйинган ёғ кислоталари ва изомерланган монотўйинмаган ёғ кислота ҳамда линол кислота миқдори турлича фарқланади.

5-жадвал

Тўйинган ёғ кислота миқдорини переэтерификацияланган ёғларнинг физик-кимёвий кўрсаткичларига таъсири

Тўйинган ёғ кислоталари миқдори C ₁₆ -C ₂₀	Переэтерификацияланган ёғ кўрсаткичлари		
	Қаттиқлиги, г/см	Эриш ҳарорати, °C	Д ₁₅ , °C
25	30	18	9
30	40	22	12
35	70	24	16
40	140	26	18
45	220	28	28

Юқоримолекуляр тўйинган ёғ кислота (асосан пальмитин) миқдори 25 % дан 45 % гача кўтарилиши эриш ҳароратини 28°C дан 41°C гача кўтаради. Бир вақтнинг ўзида переэтерификацияланган ёғларнинг қаттиқлиги ҳам 30 дан 220 г/см га ҳамда 15°C даги қаттиқ фаза миқдори 9 % дан 28 % га кўтарилади. Қаттиқлик ва Д₁₅ ўзгариши параллел ҳолатда ушбу кўрсаткичга ўзаро боғлиқлигини билдиради (5-жадвал).

6-жадвал

Ёғ ва мойлар аралашмасининг статистик переэтерификациялашнинг учглицеридлар 2-ҳолатида линол кислотаси қуюқлигига таъсири

Ёғ ва мойлар бошланғич аралашмаси таркиби	Учглицеридлар 2-ҳолатида линол кислотаси концентрацияси, %	
	Переэтерификациядан олдин	Переэтерификациядан кейин
Паст эрувчан озикабоп саломас	3,5	3,5
Пахта мойи	39,0	33,6
Озикабоп саломас+пахта мойи (50:50)	19,0	17,7
Гидрогенланган пахта ёғи ва соя мойи (50:50)	12,2	11,6
Озикабоп саломас + юқори қаттиқ саломас+пахта мойи (55:15:30)	11,5	11,8

Махсус мақсадлар учун тайёрланадиган қаттиқ ёғлар асосан ёғ кислоталарининг учглицеридлар молекуласида жойлашуви муҳим аҳамиятга эга. Худди шу хусусияти уларнинг озикавий қиймати, реологик таркибига ҳам боғлиқ. Переэтерификацияланган ёғлар таркибий қисмларига ёғ кислоталари

статистик тақсимланишига яқин тақсимланишга эга линол-олеин гуруҳ суёқ ўсимлик мойлари киритилиб, бу ўз навбатида бошланғич ёғ аралашмасида линол кислотасининг мос равишда тақсимланишини таъминлади. Шу туфайли переэтерификациядан сўнг нафақат линол кислотанинг умумий даражаси, балки яна унинг физиологик муҳим учглицеридларда 2-ҳолатида ҳам улуши сақланди (6-жадвал).

7-жадвал

Юқори қаттиқликка эга саломас билан янги турдаги суёқ хомашёларни переэтерификациялаш натижалари

Намуна, №	Таркибий қисмлар нисбати, %			Сифат кўрсаткичлари					
				переэтерификациядан олдин			переэтерификациядан кейин		
	*Суёқ фракция	*Пальмитин фракцияси	Озиқабол саломас	Эр. ҳарор, °С	Қаттиқл. г/см	К.с., мг КОН/г	Эр. ҳарор, °С	Қаттиқл. г/см	К.с., мг КОН/г
1	30	15	55	31,4	320	0,17	30,6	300	0,15
2	30	20	55	31,2	300	0,15	30,2	280	0,13
3	35	25	40	30,6	280	0,13	30,0	260	0,11
4	35	30	35	30,4	240	0,10	30,0	240	0,10

*ПМ+СМ купаждан фракциялаш усули билан олинган салат мойи ва пальмитин фракцияси

8-жадвал

Юқори қаттиқликка эга саломас билан янги турдаги суёқ хомашёларни переэтерификациялаш натижалари

Намуна, №	Таркибий қисмлар нисбати, %			Сифат кўрсаткичлари					
				переэтерификациядан олдин			переэтерификациядан кейин		
	*Суёқ фракция	*Пальмитин фракцияси	Озиқабол саломас	Эр. ҳарор, °С	Қаттиқл. г/см	К.с., мг КОН/г	Эр. ҳарор, °С	Қаттиқл. г/см	К.с., мг КОН/г
1	30	15	55	31,0	180	0,13	30,9	170	0,12
2	30	20	50	30,6	180	0,11	30,0	170	0,10
3	35	25	40	30,4	170	0,10	29,4	160	0,10
4	35	30	35	30,0	160	0,10	29,1	155	0,09

*ПМ+СМ+РСМ купаждан фракциялаш усули билан олинган салат мойи ва пальмитин фракцияси

Аниқланишича, статистик переэтерификация ёғ ва мойлар бошланғич механик аралашмалари билан таққослаганда переэтерификацияланган ёғларнинг озиқавий қийматини ўзгартирмайди. Маргарин маҳсулотлари таркибий қисмига ишлатиладиган ёғ маҳсулотлари, озиқа қўшимчалари ва таъм

берувчиларнинг таркибий қисми ва миқдорий нисбати таъсири бўйича тадқиқотларни ўтказишди тайёр маҳсулотларнинг сифат ва озикавий қиймати шаклланишига алоҳида эътибор берилган (9-жадвал).

Маргарин маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари ва физик-кимёвий таснифларини шакллантиришда якуний маҳсулотнинг қаттиқлиги ва эриш ҳарорати муҳим аҳамият касб этади. Бу кўрсаткичлар маргаринлар таркибий қисмига кирувчи асосий ёғ компонентларининг миқдорий таркиби ва нисбатига боғлиқ бўлади.

9-жадвал

Маргарин маҳсулотлари тури ва таркибий қисмлари

Таркибий қисмлари номи	Таркибий қисмларнинг массавий улуши, %	
	«Сутли»	«Сутсиз»
Озуқа саломаслари ёки переэтерификацияланган ёғлар	64,06...59,88	47,65...71,46
Ўсимлик мойлари, фракцияланиш, аралаштириш ва кристаллизация ёғлари	8,00...17,51	5,00...26,65
Модификацияланган қаттиқ ёғлар	10,00...0,00	15,00...25,00
Сариёғ	0,00...5,00	0,00...8,00
Қаймоғи олинмаган сигир сути	4,50...9,00	-
Шакар-қум	0,30...0,50	0,40...0,50
Ош тузи	0,30...0,70	0,40...0,50
Ранг берувчилар	0,00...0,10	0,00...0,10
Эмульгаторлар	0,05...0,30	0,05...0,30
Ароматизаторлар	0,00...0,05	0,00...0,05
Сув	12,79...6,86	14,00...16,50
Озукавий қўшимчалар	0,00...0,01	0,00...0,10

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари кўрсатишича, физик-кимёвий кўрсаткичларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган технологик параметрларга боғлиқлиги дастлабки ва биринчи тартиб тенгламалари бўйича ўтади.

Маргарин маҳсулотларининг асосий сифат кўрсаткичларининг (эриш ҳарорати ва қаттиқлиги) ёғ асосида синдириш кўрсаткичи билан ўзаро боғлиқлиги тажриба йўли билан аниқланган (10-жадвал).

10-жадвал

Маргарин маҳсулотларининг синдириш кўрсаткичи, эриш ҳарорати ва қаттиқлиги

Маргарин тури	Синдириш кўрсаткичи, n_D	Эриш ҳарорати, °C	Қаттиқлик, г/см
Сутли	1,4552	34,4	220
Сутсиз	1,4544	36,6	300

Келтирилган маълумотлар синдириш кўрсаткичи бўйича маргарин маҳсулотларининг сифатини аниқлаш, уларнинг физик-кимёвий таснифларини баҳолаш имконини беради.

Маргарин маҳсулотлари озукавий қийматини баҳолашда транс-изомерланган ёғ кислоталари мавжудлиги, биологик фаол қўшимчалар мавжудлиги, ёғ-кислота таркиб мувозанатланганлиги катта аҳамият касб этади. Фойдаланиладиган пахта пальмитинининг фосфолипидлар билан бойитилганлигини, саломаслар улуши пасайишини (пахта пальмитини улуши мувофиқ ошишида), бундан эса, транс-изомерланган ёғ кислоталари миқдори пасайишини ва линол (омега-3) кислотаси миқдори (пахта пальмитини олишда фракцияланадиган купажда соя мойи ҳисобидан) ошишини ҳисобга олиб, тажрибаларда маргарин маҳсулотларининг озукавий қиймати ошиши тўғрисида хулоса қилиш мумкин.

Шундай қилиб, фосфолипидлар билан бойитилган пахта пальмитини переэтерификацияланган ёғлар олишда ишлатилиши ҳамда уларнинг маргарин маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун асосий хомашё бўлиши билан бир қаторда уларнинг турини кенгайтириш, шунингдек юқори сифат ва озукавий қийматга эга маҳсулотнинг кўп миқдорда ишлаб чиқарилишини ташкил этиш имконини беради.

ХУЛОСА

1. Пахта-соя мойлари купажи таркибига рафинацияланмаган соя мойи киритилиши (+7°C да) унинг қовушқоқлигини табиий пахта мойига пахта мойи:соя мойи:рафинацияланмаган соя мойи 50:44:6 нисбатида $53,3 \cdot 10^3$ Па·с гача пасайиши, фракциялаш давомийлиги 66 соатдан 41 соатгача қисқариши тавсия этилган.

2. Пахта мойи ва соя мойи аралашмасини паст ҳароратда фракциялашда соя мойи киритилиши ҳисобидан линол ва линолен кислоталари билан бойитилган пахта-соя салат мойи чиқиши аниқланиб, пахта мойи ва соя мойи аралашмасидан олинадиган пахта-соя пальмитини кўпроқ миқдорда фосфолипидлар ва бошқа қимматли биологик муҳим компонентлар сақлаши, рафинацияланмаган соя мойини пахта мойи билан аралашмада ишлатиш имконияти кўрсатилган.

3. Янги хомашё (пахта-соя салат мойи ва пахта-соя пальмитини) манбалари турлари асосида тайёрланган переэтерификацияланган озиқ-овқат ёғларининг юқори озукавий қийматига эришилиб, қаттиқ модификацияланган ёғларнинг учлицидларида линол кислотасининг доимий миқдори сақлаб қолингани унинг sn-2 ҳолатда жойлашуви таъминланиши орқали эришиш тавсия қилинган.

4. Пахта мойи ва соя мойи купажини фракциялаш жараёнининг таклиф қилинган математик модели ушбу жараён олиб борилиши учун оптимал шароитларни аниқланиб, пахта мойи ва соя мойи аралашмасидан салат мойини жадал фракциялаш технологияси тавсия қилинган.

5. Маргарин маҳсулотларини ишлаб чиқаришда таркибида линол кислотасининг 25-27% ли миқдорини таъминловчи янги турдаги хомашёлар пахта-соя пальмитини, пахта-соя салат мойи тавсия этилган.

6. Изланишлар натижасида модификацияланган мой ва ёғлар хомашёси захирасини кенгайтириш технологик йўналишларини қўллашга тегишли тавсиялар ва зарурий меъёрий технологик ҳужжатлар лойиҳалари тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.27.06.2017.Т.04.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ОЛТИЕВ АЗИМ ТУЙКУЛОВИЧ

**РАСШИРЕНИЕ СЫРЬЕВОЙ БАЗЫ ТЕХНОЛОГИИ
ПЕРЕЭТЕРИФИКАЦИИ ЖИРОВ**

**02.00.17 – Технология и биотехнология обработки, хранения и переработки
сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2017.2. PhD/Т260.

Диссертация выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета по адресу ik-kimyo.nuu.uz и информационно-образовательном портале «Ziyonet» www.ziyonet.uz.

Научный руководитель: **Мажидов Кахрамон Халимович**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Абдурахимов Саидакбар Абдурахманович**
доктор технических наук, профессор

Ахмедов Азимжон Нормуминович
кандидат технических наук

Ведущая организация: **АО «Узпахтаег»**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 г. в _____ часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.т.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте. (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21; факс: (99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № ___, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.
(протокол рассылки № ___ от «___» _____ 2018 г.).

С.М.Туробжонов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

А.С.Ибодуллаев
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

К.О.Додаев
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению учёных
степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Производство масложировой продукции в мировом масштабе за последнее время выросло в несколько раз в сравнении с предыдущими десятилетиями, например, производство маргариновой продукции выросло до 9453 тонн в год, где ведущие позиции по производству занимают Пакистан (990 000 т.), Россия (933 000 т.), Индия (888 000 т.), Бразилия (847 000 т.), Турция (650 000 т.)¹. Совершенствуются технологии получения продукции на основе хлопкового масла. В связи с этим большое количество научных работ направлены на создание новых видов сырья и состава переработанной масложировой продукции, повышения их качества и внедрения технологий их применения в производственные процессы.

Всё больше в мире ведутся исследовательские работы по расширению сырьевой базы и повышению качества жиров, полученных путём фракционирования и переэтерификации растительных масел, модернизации производственной технологии с использованием новых и высокоэффективных способов. Создание производственной технологии с сокращением количества вредных для организма веществ в масложировой продукции является актуальной проблемой. Всё большее развитие получают научно-исследовательские работы по улучшению свойств маргариновой продукции, оптимизации технологических процессов по созданию состава и производственной технологии с уменьшением количества транс-изомеризированных жирных кислот в переэтерифицированных жирах.

В нашей республике уделяется особое внимание выращиванию подсолнуха, сои и других видов нетрадиционных масличных культур, что привело к определенным достижениям в сфере завоза и установки современных оборудований в масложировые предприятия пищевой отрасли, сокращению потерь в процессах по производству и переработке растительных масел, а также по производству импорт заменяемых продуктов в рамках программы локализации. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан указаны задачи «по развитию отраслей производства, модернизации и диверсификации промышленности, применения ресурсо- и энергосберегающих методов, обеспечение пищевой безопасности продукции, производство конкурентоспособной и экспортной продукции для импорт замещения»². В связи с чем, проведение научных исследований, направленных на производство качественной масложировой продукции с использованием местного сырья для переэтерификации имеет особое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №251 от 29 августа 2015 года «Об утверждении концепции и комплекса мер по обеспечению населения Республики Узбекистан в 2015-2020 годах качественными продуктами питания», Постановление

¹<http://www.oilworld.ru/analytics/localmarket/258409>

² http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107036

Президента Республики Узбекистан №ПП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» и в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики Узбекистан: VII. «Химическая технология и нанотехнология».

Степень изученности проблемы. По данной тематике известны научно-исследовательские работы А.Г.Сергеева, Н.Л.Меламуда, Р.Л.Перкеля, Б.Н.Тютюнникова, А.А.Шмидта, Н.С.Арутюняна, А.И.Глушенковой, Ю.К.Кадирова, С.А.Абдурахимова, Т.Т.Мирхаликова, Г.У.Тиллаевой, К.Х.Мажидова, И.Б.Исабаева и других, направленные на производство и переработку растительных масел и жиров, в частности, на усовершенствование технологий фракционирования растительных масел и переэтерификации жиров.

В данных работах, в основном, были изучены различные виды катализаторов для процесса переэтерификации; исследованы кислотный состав жиров, виды и свойства жиров и масел для данного процесса, влияние ферментов на переэтерифицируемые масла и жиры.

Вместе с тем, продолжаются научно-исследовательские работы по расширению ассортимента сырья в производстве переэтерифицированных жиров, сокращению массовой доли трансизомеров жирных кислот в готовой продукции, обогащению состава полиненасыщенными жирными кислотами, повышению эффективности использования переэтерифицированных жиров в производстве физиологически безвредной маргариновой продукции.

